



О‘ЗБЕКISTON RESPUBLIKASI SAMARQAND VILOYATI HOKIMINING QARORI

Samarqand sh., Ko‘ksaroy maydoni, 1-uy.

2021 - yil 2 - noyabr

126-7-0-Q/21

Samarqand viloyat hokimligi

Нуробод туман Мактабгача таълим бўлимига “Нурдум” маҳалла фуқаролар йиғини худудидан 60 ўринли давлат мактабгача таълим ташкилоти биноси қурилиши учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 8 июндаги “Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-6243-сонли Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 27 августдаги “Ер участкаларини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун доимий фойдаланишга ажратишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида”ги 543-сонли қарори талабларига мувофиқ, Нуробод тумани Мактабгача таълим бўлимига “Нурдум” маҳалла фуқаролар йиғини худудидан 60 ўринли давлат мактабгача таълим ташкилоти биноси қурилишини амалга ошириш мақсадида

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Вилоят ҳокимлиги “Ягона буюртмачи хизмати” Инжиниринг компанияси буюртмачилигида Нуробод тумани “Нурдум” маҳалла фуқаролар йиғини худудидан Нуробод туман Мактабгача таълим бўлимига 60 ўринли давлат мактабгача таълим ташкилоти биносини қуриш мақсадида қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган 0,25 гектар ер майдони доимий фойдаланиш учун ажратилсин.

2. Вилоят ҳокимлиги “Ягона буюртмачи хизмати” Инжиниринг компанияси (С.Зиядуллаев), вилоят Қурилиш бош бошқармаси (Л.Ҳамидов), “Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” ДУК Самарқанд филиали

(Ш.Илмуратов) ва вилоят қурилишда тендер савдоларини ташкил этиш консалтинг маркази (С.Гулямов):

мазкур объектларнинг лойиҳаолди ва шаҳарсозлик ҳужжатларини тегишли ташкилотларнинг техник шартлари ҳамда хулосаларида белгиланган талаблар асосида ўз муддатида ишлаб чиқиб тасдиқланишини;

экспертиза хулосаларини олиш ва тендер савдолари ўтказилишини таъминласин.

3. Давлат кадастрлари палатаси вилоят бошқармаси (Я.Давронов) вилоят Қурилиш бош бошқармаси (Л.Хамидов), “ЎзГАШКЛИТИ” ДУК Самарқанд филиали (Ғ.Бекбоев) билан биргаликда ажратилган ер майдонлари чегараларини жойида (натурада) белгиласин.

4. Вилоят ҳокимлиги Инжиниринг компанияси (С.Зиядуллаев), тегишли лойиҳа ташкилоти (лойиҳа муаллифи), вилоят Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси (Х.Жабборов):

мазкур объектнинг қурилиш-монтаж ишларида қурилиш сифати юзасидан техник, муаллифлик ва давлат назорати қатъий олиб борилишини;

объектда белгиланган қурилиш-монтаж ишларини тасдиқланган режа-график асосида бажарилиши ва фойдаланишга топширилишини таъминласин.

5. Давлат кадастр агентлиги вилоят бошқармаси (Ф.Худойкулов), Давлат кадастрлари палатаси вилоят бошқармаси (Я.Давронов), Нуробод тумани ҳокимлиги (Ф.Заиров) билан биргаликда мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан ажратилган ер майдонини белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказсин ҳамда туман ер ҳисоботи (баланси)га тегишли ўзгартиришлар киритсин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари А.Шукуров зиммасига юклатилсин.



Э.Турдимов